

ИШОНСЕН

Ушбу сонда:

2 ИНТЕНСИВ
РИВОЖЛАНИШ САРИ

3 17 НОЯБР — ХАЛҚАРО
ТАЛАБАЛАР КУНИ

4 ГАЛАТИ ЎҒРИ

Ўхшаш минг биринчи болага
китоб керак эмасми?

Касаба уюшмаси ёрдам берди

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Олтириқ шаҳарчасида истиқомат қилувчи М.Тошхўжаев «Файзобод қишлоқ қурилиш» акционерлик жамиятидан тоvon пули олди. Бироқ корхона маъмурияти кейинги вақтда турли баҳона, важарсонларни пеш қилиб, тоvon пули тўлашни пайсалга сола бошлади. 2003-2005 йиллари М.Тошхўжаев уч-тўрт марта корхонага муурожаат этиб, қонуний ҳақини ололмаган, прокуратура орқали тоvon пулини ундирган. Холбуки, Чернобил атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини туғатишда иштирок этган М.Тошхўжаев II гуруҳ ногирони эканлигига ҳам эътибор қилинмаган.

каси Президентнинг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ индексация қилиниши лозим эди. Лекин акционерлик жамияти молиявий аҳоли ёмонлашганини рўқач қилиб, бу нарсани амалга оширмаган.

Фаргона вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ногироннинг аризасини ўрганиб чиқиб, тегишли чоралар кўрди. Натихда М.Тошхўжаевга тўланмай қолган маблағ ундириб берилди.

Бу ҳам майли, М.Тошхўжаевга берилган тоvon пули Ўзбекистон Республи-

У.ИБОДИНОВ,
«Ишонч» мухбири

Миннатдорчилик

ҲАЁТГА ҚАЙТАРИШДИ

Бўка туман касалхонасида ҳушимга келдим. Сал илгари бўлиб ўтган воқеаларни эслар эканман, ҳаётдан батамом умидимни узганим, оилмага қайтишим даргумон бўлиб қолгани ёдимга тушди. Ажабо, шундай оғир аҳволга тушган бўлсам ҳам ҳозир ёруғ дунёда яшайман!

Мени ҳаётга, фарзандларим, оилам бағрига қайтарган туман тезлаштириш бўлими шифокорлари Убайдулло ака, Илхом ака, Хасан ака ҳамда хирургия бўлими шифокори Абдумажид акаларга ва ҳамшираларга ўз миннатдорчилигимни билдирдим. Мана шундай фидойи, эғнидаги оқ халатига доғ туширмайдиган кадрларни тайёрлаган Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчиларига ҳам чин қалбдан ташаккур айтаман. Ибн Сино издошлари бўлган азиз шифокорларимиз бахтимизга доимо соғ-омон бўлишин, ишлари бароридан келисин.

Хулқар ИСАМАТОВА

Қилмиш-қидирмиш

Тўғри-да, хотамтойлик ўз ҳисобидан бўлса, хўп-хўп, ақсинча бировнинг ҳисобидан, ҳақидан бўлса-чи? Муҳаммад Турдиев ҳам бировларнинг ҳисобидан хотамтойлик қилаётганлар сирасидан чиқиб қолди. Қандай қилиб дейсизми, мана эшитинг.

Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш жағрамасини тузиш ҳақидаги Фармонидан кейин бу ҳаракат янада жонланиб, ёрдам берувчи ҳомийлар ҳам кўпайди. Кимдир иншоотларни таъмирлашга кўмаклашса, кимдир спорт жиҳозлари олиб беришда бош-қош бўлмоқда.

Бизнинг «қаҳрамонимиз» М.Турдиев бунинг ақсини қилди. У Зафаробод туман халқ таълими бўлими қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори лавозимини мутлақо ўз манфаатларига бўйсундирди. Шун-

билан у Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси, 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатларини содир

дайки, спорт мактабига «Наврўз-жаҳон» масъулияти чекланган жамиятидан шу йил 29 апрелда 121-сон хати орқали жами нархи 500 миң сўмлик футболка, шахмат, волейбол тўпи, теннис ракеткаси, нарда олинадди. Бироқ, директор бу жиҳозларнинг биронтасини қирим қилмасдан ўзлаштиришни маъқул кўрди. Бу

этанглиги учун жиноят иши кўзга тилиди. Жиноятнинг катта-кичиги бўлмади. Жиноятга жазо ҳати муқаррар. М.Турдиев ҳам ўз қилмишига яраша қонун олдида жавоб беради.

Т.ЛАТИПОВ,
Зафаробод туман прокурори, ақлия кичик маслаҳатчиси

ЖОМАДОНЧАГА ЖОЙЛАШГАН МОЛ-МУЛК


Ёшлигидея ёлчилик ўқимаган, кейин бирон жойда муқим ишламаган, лекин ўзини ўта урдабурон сановчи йигит ўттиз ёшларга етганда тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. Ҳозир нима кўп, майда дўкон кўп. Шуларни мол билан таъминлаб турсанг, пул дегани дарёдек оқиб келаверади. У номинга «Кичик корхона» очди, қўлидаги бор сармомияни айлантириб, йилда икки-уч миллион сўм соф фойда кўра бошлади.

Шундай кулларнинг бирида унга солиқ идорасидан хат келди: уч ярим миллион сўмлик мол-мулк солигини тўлаш ҳақида. Бунинг сира кутмаган ишбилармон йигит оёғи қуйган товуқдек ўзини ҳар тарафга урди. Аммо, бирон жойдан наҳот тополмади. Расмий ҳужжатларда «Кичик корхона» ҳисобидея ўттиз миллион сўм борлиги қайд этилган экан. Қайси эшикка бош урса, компьютерлардан бир хил маълумотлар чиқараверди.

Мол-мулк солиғи ҳақида махсус қонун борлиги янгилик бўлмаса-да, ҳамма ҳам ундан яхши хабардор эмас экан-да! Тадбиркор йигит қонунлардан хатлаб ўтишини ҳам, четлаб кетишини ҳам илоҳини қилолмади. Шунда ишбилармонлик сари катта қадам ташлашдан олдин, бу иш билан боғлиқ қонунларни пухта ўрганмаганлиги учун кўп пушаймон бўлди.

Унинг «Кичик корхона»си ҳам, муҳр ва тамғаси ҳам, ўттиз миллион сўмлик мол-мулк ҳам бир кичик жомадончада жойлашган эди, холос...

Музаффар ТУРСУНОВ



Бурч АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

Бехос телефон жиринглади. Гўшаки олган Саодатхоннинг юзи қўвончдан ёришиб кетди.

— Эртага вокзалга чиқинг, ўғлингиз ҳарбий хизматдан қайтаётгани.

— Ҳўп, Ҳўп, албатта чиқамиз. Болам келадийо, кутиб олгани чиқмайманми!

Онанинг кўнглида байрам бошланганди. Қизи йўқ, Рўзғордаги барча юмуш ўзининг зиммасида. Ҳаммаёқни ювиб-йашнатди. Қаймоқ солиб папри пиширди. Шамшоддин ака кичик ўғиллари Сироҳиддин билан Муҳиддинни эргаштириб бо-зорга жўнади.

...Субҳидам. Вокзалда тумонат одам. Борлиқда тантанавор руҳ ҳўкм сурарди. Ҳўқимият вакиллари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа идоралардан келганлар ҳам шў ерда. Барча ҳаяжонда. Бир пайт поезд шўтоб билан вокзалга кириб келди. Янграган кўй садолари дилларни жунбушга келтирди.

Чўгдек ясанган Ҳисомиддин поезддан тушганда Султоновлар оиласи учун дунё янада ёришиб кетгандек бўлди. Саодат ўғлини маҳўам бағрига босди. Назарида фарзанднинг ёлқалари кенгайиб, ўзи ҳам анча хийддий тортиб қолгандек туюлди. «Болоғинам улғайибди, янада кўркам йигит бўлибди» деган фикр кўнглидан кечди.

Ҳисомиддин Султонов уйига қайтган йигитларнинг бири. Бугунги кўнда Ўзбекистон Республикаси Қуроли кўчлари сафарларида хизмат қилиш шарафли ва масъулияти вазифага айланди. Аскар интеллектуал салоҳиятли ва жисмонан соғлом бўлмоғи жоиз. Йигитларнинг сараси армияда хизмат қилади.

Республикаси раҳбарияти заҳирага бўшатилаётганларга катта эътибор қаратмоқда. Уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишида яқиндан кўмаклашмоқда. Жўмладан, мўддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида олий ўқув юртиларида ўқиш истагидея бўлган аскарларга тегишли фанлар бўйича тайёрлов курслари ташкил этилмоқда. Билимдон педагоглар уларга фан сабоқларини сингдирмоқдалар. Бўндан ташқари, хизматдан сўбик собик аскарлар олий ўқув юртилари қиридаги курсларда бегул ўқиб, кириш тест синовларига тайёрларлик қўришлари мўмкин.

Шўнинг сингари, ишга жойлашмида ҳам мўддатли ҳарбий хизматини ўтаганлар устунлик ҳўққига эга.

Республика «Зобитлар уйи»да бўлиб ўтган давра сўхбата ана шу мавзўга қаратилди. У Республика Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Мўддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мўддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли кўчларига наватбаддаги чакирув тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилди. Давра сўхбатидея Мулоффа вазирлигиндан масўл ходимлар, Республика ҳарбий прокуратураси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа идоралардан вакиллар иштирок этди.

Ш.НОРКУЛОВА,
«Ишонч» мухбири



Масала кўндаланг қўйилади

Мамлакатимиз жанубида жойлашган Қашқадарё табиати гўзал, флора ва фаунаси ранг-баранг, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бой. Воҳода табиий ландшафтни, биохилма-хилликни асраш ва кўпайтиришга қаратилган муайян иш-лар амалга ошириляпти.

Бир вақтлар кўш ўса қаноти, одам юрса оёғи кўндан даштларни ўзлаштириш мақсадидея дастлаб эски анҳор қанали қазилди. Пачкамар, Чимкўрган, Талимаржон, Ҳисо-сар сув омборлари барпо этилди. Қарши магистрал қанали ва насос станциялари бошқармаси ишга туширилди. Амударё суви кўл ерларига оқизилиб, об-ҳаёт танқисли-ги билан боғлиқ муаммолар хал этилди.

Айни пайтда неча миң кило-метрлаб зовурлар, коллектор-дрен-наж тармоғи юзага келди. Сўний иншоотлардан қандайдан оқова сувининг кўп миқдорда тўпланиши туфайли Қашқадарё ва Бўхоро вилоятлари ҳудудидея Сечанкўл, Денгизкўл каби йирик сув ҳавзалари ижарачиларга бўлиб бе-рилганлиги ҳам бор гап.

Аммо шўнга қарамай, ҳўқумат ва вилоят ҳўқими қарорининг иж-роси талаблар даражасида деб бўлмади. Бўндан олти йил мў-қаддам йилга 160-165 тоннадан махсўлот этиштирилган бўлса, ўтган йил бу кўрсаткич ўн баро-барга қамайиб, бор-ўйғи 15 тон-на балиқ топирилган, холос.

Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжали-ги бошқармаси маълумотларига

ва кечкурун кўздан кечирсангиз кимдир пийда, кимдир мотоциклда, яна бирови энгил машина, трактор, велосипедда балиқ олиб кетаётган қолатни кўрасиз. Хол-буки, Вазирлар Маҳкамаси қаро-рида — Ўзбекистон Давлат таби-ати муҳофаза қилиш кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси табиий сув ҳав-заларида балиқ ресурслари му-ҳофаза қилиниши ва улардан оқилна фойдаланиши, ғайриқо-нуний ов қилишга ҳамда балиқ ва балиқ махсўлотларининг но-қонуний сотилишига қарши қаттиқ назорат ўрнатилар дей-илади.

Нафақат Талимаржон сув ом-бори, бошқа ҳавзаларда ҳам ҳўжасизлик давом этмоқда. Сув омборлари давлат муҳофазасига олинганига қарамастан, ҳимоя зоналарида чорва молларини бо-қиб, атрофини ифлослантириш ҳўлларига чек қўйилмаган. Ҳудудлардаги зовурлар сувида балиқларни кўпайтиришга ҳеч қим эътибор бермапти.

Балиқ бутунлай йўқ эмас, бор. Бозорлар, кўча-кўйлар, хатто

БАЛИҚЧИЛИК ҚАЧОН РИВОЖЛАНАДИ?

дўконлар очилган эди. Йиллар ўтиши билан бозор иқтисодиётига мўсланган тадбиркорлар етти ха-зинанинг бири ҳисобланган балиқ-чилик касбига қўл урди. Мириш-корлик ишбилармон Бобўкул Рўзи-қўлов қарийб 150 миллион кўбо-метр сув йилган Сечанкўлнинг 8 миң гектарлик ҳудудидея балиқлар ва қушларни урчатишни йўлга қўйди. Балиқнинг сазан, дўнғе-шоша, лаққа, зогора, курак бурун сингари ўтўр турларини кўпайти-ришга киришди.

Тадбиркор Рўстам Қодиров «На-саф» балиқчилик ҳўжалигидея миңг гектар суви майдонни ижарага олиб, хайри ишни бошлади. Та-биат шайдосининг ибратли тажри-баларидан бири қамишдан сўний уруғлиниш уялари ташкил қилиб, жониворларнинг насл қолдириши учун қулай шартот яратилди. Келажакда у дудланган балиқ тайёрлаш корхонасини ишга туширишни режалаштирган.

Тизимда ҳўсўсийлаштириш ва ҳўсўсий мулкчилик жараёнларини чўқурлаштириш, балиқ овлаш ва балиқчилик фаолиятини таш-кил этишда бозор тамойиллари ва механизаторнинг жорий этиш, тармоқчи монополиядан чиқариш ва рақобат мўҳитини шўқилланти-риш, балиқ ва балиқ махсўлот-ларини сотишни тартибга солиш мақсадидея 2003 йил 13 августда Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинган бўлиб, унга асо-сан воҳодаги мавжуд табиий ва сўний кўлларни тендер асо-сида қамидея ўн йил мўддатга иж-арага бериш, балиқчиликни юк-салштириш ва жойларда балиқ со-тадиган дўконлар очилиш йўлга қўйишни назарда тутиб иш-лўқимининг қарори ҳам чиқарил-ган эди. 2004 йил 24 февралда

қараганда, мавжуд 45 гектар сув ҳавзасида йил буйи 82-85 тонна балиқ этиштириляпти. Ана шу махсўлотни қаредда сотиш, қимга топириш масаласи хал этилган эмас.

Тиббиёт ходимларининг ҳўло-саларига кўра, бир киши саломатлиги учун йил давомида 9-11 килограмм балиқ ва балиқ махсўлотлари истеъмол қилиши керак. Вилоятда этиштирилган махсўлотни воҳонинг 2,4 милли-онли аҳолисига тақсимлаганда қанчадан тушишини тасаввур қилаверинг. Бўнинг устига на-слчилик ва урчатиш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги учун сув ҳавзаларидаги балиқлар миқдо-ри қамайиб кетмоқда.

Сигими 1,6 миллиард кўбо-метрли Талимаржон сўний ден-гизидея 6900 гектарли сув ҳав-заси балиқчиларга бўлиб берил-ган. Яқинда вилоят табиати му-ҳофаза қилиш кўмитаси ходим-лари тевкор рейд ўтказишгани-да бу ерда ўндан ортиқ ноқону-ний браконерларни учратилган. Энг ёмони, улар овлашда таққ-қилган усул, яъни электр тармоқ-лардан фойдаланишдидея. Ҳавза-нинг хоҳлаган жойидан балиқ ту-тиб кетишаверади.

Қарши магистрал қаналидан ва насос станцияларидан фойдала-ниш бошқармаси бошлиғи, тех-ника фанлари номзоди Рўстам Очловнинг таъкидлашчидея, қой-инги икки йил давомида бирон-да хўжалик сувага балиқ чавоқла-рини ташламаган. Агар заҳира бўлмаса, овланган балиқлар ўрни тўлдирилмаса, борларига кўтара-сига қирон келтирилардидея, тар-моқнинг юксалиши тўғрисида гап бўлиши ҳам мўмкин эмас.

Сув омбори атрофини эрталаб

Изаат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойи-ҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқил-ди. Бу ҳақида Ўзбекистон Респуб-ликаси бош вазирини ўринбосари — молия вазирини Рўстам Азимов маъруза қилди.

Давлат бюджети лойиҳаси Юрт-бошимиз Ислам Қаримов белгилан берган иқтисодий ва мажмат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишининг устувор тамойиллари асо-сида ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқа-риш корхоналарига солиқ юқини эн-гиллаштиришга йўналтирилган. 2007 йилда жамланган давлат бюджети да-роматлари 7 триллион 543 милли-ард сўм, шўндан давлат бюджети да-роматлари 5 триллион 71 миллиард сўм, давлат мақсадли жамғармалари дароматлари 2 триллион 126 милли-ард сўм, мактаб, таълим жамғар-маси дароматлари 346 миллиард сўм миқдоридея режалаштирилмоқда. Бўнда жамланган бюджет дароматларининг йилги ички махсўлотдаги улуши 32,9 фоизни ташкил қилиши ёки жор-рий йўлга нисбатан бироз кўпайган-дай тўлолиши мўмкин. Бўнинг саба-би, авваллабор, келгуси йилда ягона ижтимоий тўлов ставкаси иш ҳақи фондидея 25 фоиздан 24 фоизгача па-сайтирилиши кўзда тутилган. Шўнга қарамастан, ақили дароматларининг ўсиши натижасида ушбу тўловнинг йилги ички махсўлотга улуши кўлгуси йилда жорий йўлга нисбатан 0,7 фо-изга кўпроқ бўлиши режалаштирил-моқда.

Дароматларнинг йилги ички мах-сўлотдаги улуши 2006 йилда кўта-лаётган 22,7 фоиздан 2007 йилда 22,1 фоизгача пасайишини, яъни, давлат бюджети жалб қилинмайдиган фондлардан ташқари айнан солиқ тўлушлари ўтган йилга нисба-тан пасайишини кўрамади. Амалда бўлган 5 турдаги солиқлар ва маж-бурий тўловларнинг ўрнига товар айланмасидан ягона солиқ тўлови киритилмоқда. Бўнда савдо корхо-

налар 5 хил турдаги тўловларни жи-соблаш ва шўнга яраша бугалте-рияхи ҳисобини юритишдан озад бў-лади. Шу билан бирга ушбу тал-бирдан асосий мақсад савдо тиз-имининг янада кенгайтирилиши, ра-вобатлантириш, қишлоқ жойларидея, айниқса, бориш қийин бўлган ақили ҳудудларида ақолига кўрсатилаёт-ган савдо хизмати ҳажмини ва си-фатини оширишдир. Табақалашти-рилган ставкалар солиқ юқини кес-кин пасайтиради. Қишлоқ, бориш қийин бўлган тоғли ҳудуддаги кор-хоналар дўч келадиган қийинчилик-лар барҳам топади. Масалан, ша-харда жойлашган ва бир ойда 20 миллион сўмлик савдо қиладиган

лаб эса бу миқдор энг кўпи билан 5 фоиз бўлади. Шўндан аён бўла-ётгани, ҳозир қиртилган янги мей-дан савдо корхоналарига, биринчи-ликдан, жуда катта қулайлик яратил-ди. Иккинчидан, солиқ юқи кескин ра-вишда пасайди. Агар савдо корхо-наси ақоли сони 100.000 кишидан кам ақоли пунктида жойлашган бўлса, 3 фоиз, бориш қийин бўлган олис тоғли ҳудуддаги корхоналар 1 фоиз миқдоридея ягона солиқ тўло-вини тўлайди.

Келгуси йилда божхона тўловлари тушумлари 746,5 миллиард сўм миқдорда ёки жорий йўлга нисба-тан 13 фоизга кўпроқ мўлжаллан-моқда. Бўнда божхона тушумлари-да ўз ўрнини топишига ёрдам бе-ришдир.

Довуд МАДИЕВ,
«Ишонч»нинг
Палатадигея мухбири

БЮДЖЕТНОМА: СОЛИҚ ЮҚИ ЕНГИЛ, САВДО МўҲИТИ ЭРКИН

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Бир Фармон шарофати

Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти экстенсив ривожланиш усулидан интенсив тараққиёт йўналишига ўтказилиб, асосий эътибор амбулатория-поликлиника шароитида тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилди.

Ислохотлар натижасида тиббий хизмат кўрсатишнинг содда ва иқтисодий самардорлиги юқори бўлган ва сифат кўрсаткичларига асосланган янги тизими шакллантирилди. Давр талабига жавоб берадиган бирламчи даволаш-профилактика муассасалари ўрнида замонавий қишлоқ шифокорлик пунктлари юзага келди. Амбулатория-поликлиника шароитида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишчи муассасалар кўпайди. Замонавий талабларга жа-

матлик институтини Нукус филиали, тиббий статистика ва прогнозаlash бюроси, ўсимирлар маркази, наркологиya диспансери, ихтисослашган жаррохлик илмий маркази, Нукус шаҳридаги 7- поликлиниканинг катталар бўлими учун алоҳида бинолар ажратилиб, тўлиқ жиҳозланди.

Амбулатория-поликлиника муассасаларининг 108 таси Жаҳон банкининг "Саломатлик-1" лойиҳаси бўйича тиббий асбоб-ускуналар ва бўғимлар билан таъминланди. Барча ҚВПлар тўлиқ жиҳозланди. Кейинги 4 йил мобайнида 44 та қишлоқ врачлик пункти ташкил қилинди. Ҳозир 22 та қишлоқ врачлик амбулаторияларида реконструкция ва мукамал таъмир-

техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Қабул қилинган давлат дастурлари ижросига ижобий ёндашилиб кейинги икки йилда 250 нафардан ортиқ кам таъминланган фуқаро ва ногиронга сунъий кўз гавҳари қўйилган бўлса, 2006 йилда 162 нафар бемор бундай имтиёздан фойдаланди. Бу мақсадлар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши захира жамғармасидан маблағ ажратилди.

1-республика сил касалликлари диспансерининг канализация ва сув билан таъминлаш тизими халқаро ташкилотлар ёрдамида янгиланди. Шифокорнинг сил ва болалар бўлимларида "SAFE-Нукус" гуманитар ташкилоти маблағи ҳисобидан капитал таъмирлаш ишлари олиб бори-

ларни эрта аниқлаш имкониятини яратадиган рангли ултраовуқ текшириш ускунаси берилди. Барча туманлардаги туғруқ комплекслари таъмирланди.

Оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш бўйича Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия қилган "Болаларни омон сақлаб қолиш", "Хавфсиз оналик", "Хавфсиз иммунизация", "Болалар касалликлариини интеграллашган усулда олиб бориш", "Анемиянинг олдини олиш", "5 ёшга болалар жисмоний ривожланиш мониторинги", "ЕврозидТАСИС" дастурлари амалга оширилиши туфайли оналар ва гўдақлар ўлими йилдан-йилга камайиб бораёпти.

Тиббиётга халқаро ташкилотлар гуманитар ёрдамлари, грантлар ва кредит маблағларини жалб қилиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Япония ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан "Қурғоқчилик оқибатларини енгилаштириш, соғлиқни сақлаш ва орақтланиш" лойиҳаси доирасида бирламчи бўғимдаги даволаш-профилактика ва давлат санитария-эпидемиология назорат маркази муассасаларига умумий суммаси 1 миллион 100 минг АҚШ доллари ҳажмидаги гуманитар ёрдам келтирилди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа лойиҳа бюроси томонидан тиббий-санитария хизматини мустаҳкамлаш ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун Бельгия ҳукумати маблағларидан дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналар тақдим этилди.

ДОТС дастури татбиқ қилиниши муносабати билан Германиянинг Ривожланиш ва Тараққиёт банки (KfW) гранти ҳисобида тиббий асбоб-ускуна, автотранспорт ва дори-дармонлар олинди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маблағларидан 2003 йилдан бошлаб "ДОТС плюс" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Европа ҳамжамиятининг "Европа уйи" лойиҳаси доирасида 4 та тумандаги клиник ва санитария-эпидемиология тизими лабораторияларини жиҳозлаш, аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни тақомиллаштириш мақсадида асбоб-ускуналар келтирилди.

М. ТУРИМБЕТОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазири

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўзгалар хузур ҳаловатидан таскин олиб, бахтидан суюнади. Ана шу эзгу ният, феъл туфайли қадр-қиммат топган инсонлардан бири Эркинжон Шоназаровдир.

Сафар ака Шукуров кўп йиллар дарддан азият чекди. Учрашмаган шифокори, бормаган шифохонаси қолмади. Ана шундай кунларнинг бирида дўсти: «Сен Эркинжонга ҳеч учрадингми, қили енгилайми. Кўпларнинг дардига малҳам бўляпти...» деб қолди.

Сафар ака дарҳол шифокор хузурига йўл олди. — Даволаймиз, — деди беморни обдон кўриқдан ўтказган Эркинжон Шоназаров.

Шифокор бемор руҳиятини ўрганди. Дарднинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилди. Дастлабки даволаниш натижа бериб, бемор тузала бошлади. Олти ойлик муолажадан сўнг у буткул соғайиб кетди.

Тажирибали шифокор Эркинжон Шоназаров фаолиятида бунга ўхшаш мисоллар кўп. Сирдарё вилояти шифохонасига аҳоли халокатга учраган бехў ҳолдаги фуқаро келтирилди. Шифокорлар сарий ҳаракати билан ҳаётга қайтган бемор оғзидаги уч донга тилла тиши йўқолгани боис бевозта бўлди.

Иш ҳаттоки шифокорларни судга беришгача бориб етди. Аммо ҳеч ким айбони бўйича олмасди. Вақт ўтиб бемор нафас қисий дардига йўлиқди. Оқибатда кўп даволанди. Аммо дард чекинмас, аксинча,

кундан кунга зўрайиб борарди. Ахйри, у Эркинжон Шоназаровдан ёрдам сўра-

оширади. Томоқ-бурун-қулоқ соҳасидаги мураккаб муолажани амалга ошириш учун билим, тажриба ва маълум йўл-йўналишмоғи лозим. Эркинжон касб-маҳоратини ошириш, билимини юксалтиришдан сира эринмайди. У тажирибали ҳамкасблари фаолиятидаги нозик жиҳатларни тез илғаш пайида бўлади. Харьков, Ярославль, Москва, Германияда касб маҳоратини ошириб қайтганли-

кейн у ерда беморларни қабул қилапти. Уруш ишторчилари, фронт ортида хизмат қилганлар, ногиронлар, қимилдор аёллар, мурувват уйи тарбияланувчиларини бепул даволаш йўлга қўйилгани таҳсинга сазовордир.

— Клиникани замонавий асбоб-анжомлар билан таъминлашда камчиликлар, иқтисодий муаммолар бор, — дейди Эркин-

Эл корига камарбаста

Ҳам асқотмоқда. Тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар Абдумалик Ҳакимов, Саидқором Ҳасанов, Карим Жабборов, Баҳром Юсуповлардан ўрганишга доимо ҳаракат қилади.

Экологик мувозанат таъсири туфайли қулоқ, томоқ, бурун касалликлари сезилари даражада ортаётгани қайд этиляпти. Шифокор кўмагига муҳтожлар кўп. Шунинг билан Эркинжон Шоназаров яқин тартибдаги ўз клиникасига асос солди. Эндликда ишдан

жон Шоназаров. — Лекин касбиим ҳар қандай шароитда берилаётган ишларни тақозо этади.

Бугунги кунда Шоназаровлар хонадонига учта шифокор бор. Фарзандлар ҳам ота изидан бормоқда. Ҳаловатдан кетган, эл хизматида бел боғлаган, бемор дардини ўз дарди деб билган шифокорлар ҳамма хурматга лойиқ.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

Бухоро-1 бекати темир йўл ҳўжалиги устaxonаси мавқеи йилдан-йилга ошиб, белгиланган режа-топширилариинг мунтазам бажарилишини таъминлаш борарида жамоа иқтисодиёти ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 240 кишилик меҳнат аҳлининг асосий мақсади темир йўл техникаларини таъмирлаш ва улarga керакли асбоб-ускуналарни тайёрлаб беришга қаратилган. Шунингдек, улар темир йўлларини капитал таъмирлашда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Натижада ўтган тўққиз ой якунига кўра кўпга киритилган даромад бир миллиард сўмдан ошди.

ЯХШИ КАЙФИЯТ БИЛАН

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилида инсонга гамхўрлик кўрсатишни ўзимиз учун бosh мезон қилиб белгиланганмиз, — дейди устaxона раҳбари Шўхрат Жалилов. — Ушбу йўналишда корхона касаб уюшма кўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқилган дастуриимиз бор.

— Узоқ йиллар мобайнида темир йўл соҳасида ишлаганман. Ҳозир эса уйда ўтириб қолдим, — дейди нафақахўр М. Гамаюнова. — Жамоамиз раҳбарияти ва касаб уюшма кўмитасидан чексиз миннатдорман. Мендан тез-тез хабар олиб туришди. Яқинда моддий жиҳатдан қийналгандим. Корхонамиздагилар хабар топишиб, мени қўллаб-қувватлашди. Мушкулим осон бўлди.

Корхона темирйўлчилари ўртасида спортнинг тобора оммавийлашиб бораётгани эътиборга молиқдир. Спорт майдончалари ва залларини керакли жиҳозлар билан таъминлаш, ўтказилаётган мусобақаларга пухта тайёрларик қўриш, голибларни рағбатлантириш яхши натижа бермоқда. Бухоро минтақавий темир йўл узели корхоналари ўртасидаги мини футбол (эркаклар) ва волейбол (аёллар) мусобақаларида фахрли иккинчи ўринни эгалланганлиги ҳам бунинг тасдиқлаб турибди. Корхона меҳнат аҳлининг жисмоний чиниқиб сари ташлаётган қадамлари ишлаб чиқариш жабҳаларида ҳам ижобий самара келтирмоқда.

Корхона жамоасининг Ҳомийлар ва шифокорлар йили учун режалаштирилган тадбирлари кўлами жуда кенг. Жумладан, Когон шаҳар марказий шифохонасининг ички касалликлар бўлимини капитал таъмирлашга 1.2 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Уларнинг 2 та электр двигателлари соzлаб берилди. Шаҳардаги 8-, 9-, 10-сон маҳалла фуқаролар йиғинларига бир миллион сўмликдан ортиқ транспорт хизмати кўрсатилиб, 17-сон мактабга тарбия муассасасига идиш-товоқ, магнитон олиб берилди. 3 та электр двигатели таъмирланди.

Инсонларга гамхўрлик кўрсатишни асосий шior қилиб олган устaxона темирйўлчилари жамоаси яхши кайфият билан жўшқин меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг бир гуруҳи Тошгузор — Бойсун — Қумқўрган темир йўл моддий ёрдам кўрсатилиб, турли участкаларда хизмат қилаётганлар шaрoитини яхшилаш мақсадида 2 миллион 700 минг сўмлик зарур анжомлар олиб берилди. Машиност-операторларга бепул озик-овқат махсулотлари тарқатилаяпти. Касаб уюшма кўмитасининг иштирокида йўлнамаси билан йигирма нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар мамла-




Сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ютуқлар гавоий бўлмоқда.

Жумладан, шахримизнинг Собир Раҳимов туманидаги худудий МИБиёб бirlашмасининг 42-оилавий поликлиникасида олиб борилаётган ишлар фикримиз далилидир.

— Поликлиникамизда, — дейди бош шифокор Шаҳзода Алимова, — 125 нафар соғлиқни сақлаш ходими меҳнат қилади. Уларнинг беминнат хизматидан ҳудудда яшовчи 28 минг 51 нафар киши баҳраманд бўлмоқда. Оналар ва болалар соғлиқини сақлаш мақсадида турли ёшда бўлган 6 мингга яқин аёллар ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиб борилади. Бир ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган 9 минг 216 нафар, 1441 нафар усмир болалар орасида ҳам ўз вақтида эмлаш ишлари олиб борилади. Пенсия ва нафақа ёшидагиларга алоҳида имтиёзлик хизматлар ташкил этилган.

Суратларда: малакали ҳамшира З.Исмоилова, ҳамшира Ш.Нурмухаммедова беморларни тиббий кўриқдан ўтказишмоқда.

Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар



зор, Урганч туманларида бирорта ҳам мониторинг ўтказилмагани ачинарли ҳолдир.

«Йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг Олий Мажлисининг қончилиги палатасига киритилгани билан масала давлат аҳамиятига молик эканини кўрсатиб турибди. Хулоса ўрнида айтиш лозимки, туз ишлаб чиқарувчи, унинг савдоси билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳам истеъмолчи. Демак, улар бажараётган иш қонуний бўлса, нафақат ўзгаларга, балки ўзларига ҳам фойда. Миллат соғлиги ва келажак олиб борилаётган фаолиятига бевосита боғлиқ эканини аниқлаш фўрсати етди.

М. ЖАЛОЛОВА,
Хоразм вилоят ИХҚ
жамиятлари худудий
бирлашмаси раиси

ШИФОКОР ШУНДАЙ БЎЛСА...

Соғлиқ — туман бойлик, дейдилар. Шунинг учун танамизда озгина оғрик сезсак дарҳол шифокорга мурожаат қилиб, ундан нажот кутамиз. Нафақат дори-дармон, балки ширин сўзи билан ҳам жонларга оро кирувчи, саломатлик посбонларининг олиб-югуришларини кўриб, меҳримиз ортади.

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида жойлашган Дардок худудий шифохонасида ана шундай ширинсўз, фидойи шифокорлар меҳнат қилдилар. Хизмат кўрсатишнинг яхши йўлга қўйилганлиги, ходимларнинг тажрибаси кўпчи кишлоқ туманлардан ҳам нажот излаб келувчиларнинг сони ортишига сабаб бўлмоқда.

Умуман билан дардига даво излаб келган ҳар бир беморнинг шифо топиши учун астойдил ҳаракат қиламиз, — дейди асаб касалликлари шифокори Убайдулло Аҳмедов. — 40 уринга илжалланган қисмда барча қулайликлар мавжуд. Соғайиб, яхши кайфиятда чиқиб кетаётган кишиларнинг дил сўзларини эшитиб, барча захмларнинг унутиб юборамиз.

Шифохонада бўлганимизда беморларнинг Алижон Абдураҳмонов, Бўхожар Ашурова, Халима Эгамбердиева, Майрамжон Эргашева, Ҳимоят Аҳмедова, Шаҳзода Мажидовлар ҳақидаги илқ филрлари бизни кувонтирди.

Шифокор шундай бўлса-да, — дейди Муҳаммад Рузиёва, — қонила опа ҳар кун хабар олганимиз кирганида танамдаги узғаришни кўзимга қараб дарров билиб олади. Биздан узим ҳам хайрон қоламан. Бу ерга келганимдан сўнг тез вақтда дарддан фориқ бўлидим.

Назаримизда шифокор учун энг қувончли он беморларнинг у ҳақида билдирган илқ филрларини эшитишдир. Кунча кўч қўлувчи ана шундай миннатдорлик оҳанглари эл саломатлигини йўлида хизмат қилаётганларнинг қулоғи оётида доимо янграб турсин.

Мактуба МҲМИНОВА



ҲАР ТОНГ САХОВАТДАН БОШЛАНСА

Барча маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйлаб кам таъминланган, кўп болали кўмақталаб оилалар ўрганиб чиқилиб, ишчи гуруҳ аъзоларининг ҳулосаларига кўра, 70 та оилга соғин ситир беришга келишилди.

Энг асосийси, бу хайрли тадбирга ҳамийлик қилиш истагида бўлган корхона ва ташкилотлардан «Навийон металлургия» комбинати 13 бош, «Қизилқуммент» АЖ 10 бош, «Навийонмаҳсулотлари» АЖ 7 бош, «Навийоназот» АЖ эса 10 бош соғин ситирларни тегишли оилаларга тўхфа этишди.

Шаҳарнинг «Матонат» маҳалласида яшовчи К. Мирқандов, Ҳончарвоқ маҳалласидан З. Қосимова, «Ватан» маҳалласида яшовчи У. Бозоровлар дастурхонларига барака эна бошлангидан мамнун.

«Меъмор» маҳалласида яшовчи Рафика опа Ҳамроқуллова шундай деди:

— Тушга яқин эшик тақчиллади. Қарасам, маҳалла раиси, посбон ва яна 3 нафар бегона юшди. Улар сизнинг илқини қўлимга тупқазиб, биз Навийон кон металлургия комбинати вакиллариники, мана шу ситир сизники дейишса бўладими? Ишонини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмайман. Қўларимдан ёш чиқиб кетди.

Ҳар тонгимиз эзгу ишлар, саховат ила бошлангидан. Зеро, яхшилар саховати иззат-иқром бўлиб, ана ўзларига қайтиши тайин.

Мансур АЛОВУДИНОВ,
«Ишонч» муҳбири

Кейинги йилларда йод танқислиги касалига чалинганлар сони ошиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Дунё ҳамжамияти бунинг олдини олиш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, доимо истеъмол қилинадиган озик-овқат махсулотлари, яъни нон (ун), сув, чой, туз, ўсимлик ёғи таркибига йодни сунъий равишда қўшиш самарали усул ҳисобланади. Айниқса, йодланган ош тузи дунёда ушбу касалликнинг олдини олишда асосий восита деб тан олинган.

Йод танқислиги ҳолатини назорат қилиш бўйича халқаро кенгаш тузилган. Мазкур ташкилот томонидан йод етишмовчилигининг хавфи ҳақида тушунча бериш, унинг оқибатлари ва истеъмол махсулотларини йодга тўйинтириш усули орқали хавфини бартараф этиш каби чоралар қўрилмоқда.

Ортимизда ҳам бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширил-

МИЛЛАТ СОҒЛИГИ ҚЎЛИМИЗДА

моқда. Хусусан, «Ўзбекистонда йод танқислиги касалликларининг олдини олиш ва қайтарилишига қаратилган 2005–2009 йилларга мулжалланган чора-тадбирлар» Давлат дастури ушбу муаммо ҳал қилиниши кеңиштириб бўлмайдиган долзарб масала эканлигининг исботидир.

Дастурда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари зиммасига кенг жамоатчилик орасида йод танқислигининг олдини олиш борасида тарғибот ишларини фаол олиб бориш, бу ҳақда аҳолининг хабардорлигини ошириш, ош тузи истеъмолчи бўйича вазиятнинг ўрганиш ҳамда истеъмол бозорига сифатсиз озик-овқат махсулотлари кириб

келишининг олдини олиш каби тадбирларни амалга ошириш юклатилган.

Жорий йилнинг 27 июнидан 1 июлига қадар Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерацияси, Болалар жамғармаси, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ҳокимлик, хотин-қизлар кўмитаси раислари, фаоллар иштирокида семинар-тренинглр ўтказилди. Шунингдек, туманларда савдода мавжуд тузларнинг йодланганлиги дарражасини аниқлаш бўйича қузатувлар бошланди.

Вилоятда тузни мажбурий равишда йодга тўйинтириш юзасидан давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти мониторинги бўйича

мувофиқлаштириш кенгаши томонидан бир қатор ишлар бажарилиди. Жумладан, туман (шаҳар) ИХҚ жамиятлари ва ДСЭНМ ходимлари иштирокида истеъмол бозоридagi ош тузининг йодланганлиги дарражаси юзасидан мониторинг ўтказилди. Текширувлар натижасида Кўшкўпир тумани ихтисослаштирилган улгурчи бозор уюшмасига қарашли 1-сонли озик-овқат аралаш моллар дўконига Ҳонқа тумани «Қувонч» фермер ҳўжалигида қадоқланган йодланмаган ош тузи сотилаётгани аниқланди. Бундан ташқари, Урганч туман Марказий дехқон бозорига 21 та, Турлан туманида 30 та, Ҳивада 31 та, Хонқанда 23 та ана шундай ҳоплар қайд этилди. Богот, Янгибоб-

зор, Урганч туманларида бирорта ҳам мониторинг ўтказилмагани ачинарли ҳолдир.

«Йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг Олий Мажлисининг қончилиги палатасига киритилгани билан масала давлат аҳамиятига молик эканини кўрсатиб турибди. Хулоса ўрнида айтиш лозимки, туз ишлаб чиқарувчи, унинг савдоси билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳам истеъмолчи. Демак, улар бажараётган иш қонуний бўлса, нафақат ўзгаларга, балки ўзларига ҳам фойда. Миллат соғлиги ва келажак олиб борилаётган фаолиятига бевосита боғлиқ эканини аниқлаш фўрсати етди.

М. ЖАЛОЛОВА,
Хоразм вилоят ИХҚ
жамиятлари худудий
бирлашмаси раиси

АНДИЖОН ВИЛОЯТ

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ

Барча толиби илмларни

17 ноябр —

Халқаро талабалар куни

билан қизғин

табриклайди.




Мустақил юртимизнинг

келажаги бўлиши сиз

ёшларга соғлиқ-саломат-

лик ва бахт-саодат




ҳамиша ёр бўлсин!



САМАРҚАНД ВИЛОЯТ

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ

*Илм-фан
сарчашмаларидан
бахраманд бўлишни
дилига туккан йигит-
қизларни яқинлашиб
келаётган Халқаро
талабалар куни билан
муборакбод этади.
Ўқишда, ишда ҳамда
шахсий ҳаётингизда
омад сизни ҳеч қачон
тарк этмасин!*





БОШ МУХАРРИР

Абдухолик
АБДУРАЗЗОКОВ

Тахрир хайъати:

Алла Долженкова,
Виктор Зверев
(бош мухarrир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзохид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримкул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шавкат Абдуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Фуломзокир Юсупов

Бизга қўнғирок
қилинг:

Котибият

153-52-78

Бўлимлар

Касаба уюшмалари
ҳаёти бўлими:
153-87-63

Ижтимоий-иқтисодий
сиёсат бўлими:
153-87-74

Хуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими:
153-87-73

Миллий-маънавий
кадриятлар ва спорт
бўлими:
153-82-79

Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш бўлими:
153-85-43

Реклама ва эълонлар
бўлими:
153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент
шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи:
133; 134

E-mail:
ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг

сешанба,
чоршанба,
жума ва шанба
кунлари чиқади.

Навбатчи котиб -
А.Алламуродов
Навбатчи мухarrир -
З.Рихиев
Навбатчи - Р.Суяров
Мусаххих - А.Ербеков

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров
Ю.Михайловский

«Шарқ» наشريёт-
матбаа акциядорлик
компаниясида
босмакхонасида
чоп этилди.
Корхона манзили:
«Буёқ Турон» кўчаси,
41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
035-рақам билан
руйхатга олинган.

IBM компьютерида
терида ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш
вакти - 21.00.
Топширишда - 19.50

Буюртма Г— 1315

Тиражи: 7553

Маънавият

Китобнинг инсон маънавиятини шакллантиришдаги ўрни барчамизга яхши маълум. Мактабга илк қадам қўйган онларимизда ноқ "Китоб бизнинг дўстимиз, уни нондек асраб-авайлаш керак" дея айтилган насихатомуз гапларни эшитамиз. Кутубхонадаги сокин, бир маромда кечувчи ҳаёт руҳиятга таъсир этиб, эзгу туйғулар уйғотди. Китобни севиб, дўст билган инсон ҳеч қачон уни хор қилмайди. Аммо яна бир

ҒАЛАТИ ҲАҚИДА


тоифа борки, уларни китобхон дейишга ҳам ихтиланасан, киши. Сабаби, айрим ўқувчилар кутубхонага нима учун келганини ҳам унутиб қўядилар гўё. Бефойда ўтирганликларидан хижолат чекмай, ён-атрофдагиларга ҳалақит берадилар. Тамадди қилиш бахонасида баланд овозда гаплашганлари учун танбеҳ эшитиб, пичирлашга ўтишади. Гап сотиб ўтириб, вақт ўтиб кетганини пайқаган ҳали очиб улғурилмаган китобнинг ўзларига керакли бўлган варақларини секингина "жойлаб" оладилар. Вақти "зиқ" ёки айна пайтда ўқишга эринаятган "ўқувчи"ларда ҳам шу ҳолат кузатилади.

Ахвол шу тарзда давом этиб, ҳар ким керакли бўлганини йиртиб олаверса, кейингиларга муқова юзидagi ёзувларгина қолмайди? Ёки, шoir айтгандек, мингта қўлдан ўтаган

"Минг биринчи болага Китоб керак эмасми?"

Мазкур ҳолатлар, афсуски, деярли барча кутубхоналарда учраб туради. Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонаси турли ёшдаги китобхонларни жалб этган энг гавжум зиё масканларидан бири. Кутубхона ходимларининг қўли қўлига

Ёхуд минг биринчи болага китоб керак эмасми?



Дилфуза Боботоева, хизмат кўрсатиш бўлими ходими:

— Базан ўқувчилар қўлидаги китобни алмаштириб беришимизни сўрашади. Сабаби оддий, керакли бетлари йўқ. Бу ўқувчиларга салбий таъсир этиб, уларнинг вақтини олади. Китоб варақларини ўғирлаётганлар ўзидан кейинги фойдаланувчиларни ўйламастикин! Ахир бир кун ўзи шу манбага яна муҳтоб бўлиб қолиши мумкин-ку.

Кутубхонанинг вақтли матбуот бўлими ҳам ўқувчилардан озор чекмай қолмайди. Мана шундай масканларнинг аксариятида бир қанча газета, журналларнинг "илма-тешик" бўлиб кетганини кўрдик. Айниқса, Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасидаги кўплаб газеталарнинг "бош" қисмигина қолган, холос.

Кутубхонада мутулаа қилар эканмиз, ёш боланинг йиғиси фикримизни бўлди. Талаба келин (она) фарзандининг йиғлайверишидан хижолат бўлиб, ортиқ ўқий олмаслигидан китобни уйда ўқишга беришни ҳодимадан илтимос қилди. Ҳарчанд уринмасин, бу ердаги низо унинг истагига мос келмасди. Ходиманинг батафсил тушунтиришларидан сўнг у истамайгина китобни қайтариб берди.

— Паспортга ҳам бермайди-да,— деди суҳбатни эшитиб турган йигит. Вақти келиб ўзимиз "ногирон" қилган китоб яна асқотиши турган гап. Шунда афсус билан қаерларгадир ташлаб юборган ўша биргина қисми эслаймиз, айна пайтда унинг қай даражада муҳим эканлигини дилдан ҳис қиламиз. Аммо...

Мактуба МҮМИНОВА,
"Ишонч" муҳбири

Ҳаётини ҳангома

Эргаш амаки узоқ йиллар йўл қурилиши участкасига бошчилик қилиб, давлат томонидан берилган коттежда яшаб келди. Биринкетини ўғилларини уйлағач, қўшимча уй-жой қуриш ҳаракатида сарф-харажатлар учун давлат банкига мурожаат қилди. Лекин ариза бергач, ажратилган кредит маблағини олиш учун кўп қатнади.

Эргаш амакининг давлат банкига кейинги сафар ташрифида оқ-сарик тусли, узун соқоли киши ҳассасини тўқиллатиб кириб келди. Кексалар бизда доимо ҳўрматда, банкнинг пул тарқатиш бўлимидагилар отахонни кўп куттирмай, унинг ҳожатини чиқаришди. Кейин эса эшиккача кузатиб қўйишди.

"ҚАРИЯ"

Отахон Эргаш амакига танишдек туюлгани учун унинг ортидан ҳовлигача эргашиб борди:

— Сизни кимгадир ўхшатаман, — деди у истихолоа билан. — Мабодо менинг қўлимда қоравул бўлиб ишлаганмидингиз?

— Йўқ, ҳали мен қариллик нафақаси олмайман.

— Ундай бўлса ёшингиз нечада? — сўради Эргаш амаки овозини биров пасайтириб.

— Бир кам олтмишдаман, — деди у қўлидаги ҳассасини йўлакнинг бир четига улоқтираркан. Кейин хайр-хўшни ҳам насия қилиб жўнаб қолди. Эргаш амаки хайрон бўлганича "қария" ортидан узоқ вақт тикилиб қолди. Кейин банкнинг пул тарқатиш бўлимига қайтиб келгач:

— Қачонгача мени овора қиласизлар? — сўради у туюқиб. — Ахир, ҳозиргина кредит олган "қария" менадан беш-олти ёш кичик экан-ку. Сизларга қандай узунликдаги соқол керак?

Кейин у ҳужжатларини стол устига қўйди. Шу гаплардан сўнг пул тарқатиш бўлимидагилар кўпчилик ўртасида ўнгайсизланиб, Эргаш амакининг ҳожатини чиқаришга киришишди.

Абдулла САИДОВ

Повторно. СП ООО «Элга Азия» ликвидирована. Претензии принимаются в течение 1 месяца по телефону — 399 21 62. Ликвидационная комиссия СП ООО «Элга Азия»

Жимжима

одам... - Бозор бўлса деб тўғри келган қўйни етаклаб келаяверишимиз? «Кимсиз? Қаерликсиз?» деб сўраб, суриштириб олмайдими одам? - хотин авжига чиқди. - Сўйиб сотсангиз қандай бўларкан? - қўшим таклиф киритди. - Бўғос. Икки ойдан, йўғе, икки ҳафтадан кейин тугиб бераркан. - Унда сотиб қўтилисиз! - Меливой-жимжима ҳўкм чикарди. - Кўр қўйни ким ҳам оларди... - дедим. - Кўрсавдо фақат битта сиз эмасдирсиз бозорда! - хотин қўл силтаб, кўз-ёшини эстагига артганча нари кетди. Меливойга илтижо билан би-нир боқиб қўлдим. - Сотамиз, ака. Ўзим сотиб бераман, - деди умрингдан барака топкур Меливойжон. - Айбини айтиб сотмасак гуноҳ бўлармикан? - дедим чайналиб. - Айбини айтиб сотамиз,



Жимжима

Ҳажвия

бу ёғига эрисангиз бас! - дея Абдумеливойжон кулиб елкага қоқиб, эшик томон юрди. - Бозор кўни кўришамиз.

Бир ҳафта Совлиқхон билан биргалашиб ётдик, турдик, ўт едик, сув ичдик: пулга келган жонивор-да. Яқшанба кўни Абдумеливойжонқўзи билан бозорга б о р д и к.

Қўйни ушлаб турибману, жиноят қилаётгандай қалтираман.

Сени қўйинг бўлақолсин, жон ука! - дедим охири чидолмай. - Қанчага харидор чикса сот дардисарни, мен розиман. Арқон жимжима инг қўлига ўтиши билан бир йигит қўйинг атрофида айланиб қолди.

«Жа, қўзим учиб турганди-да!» дедим ичимда. Хотин билан энди «айтишув»ни бошласак, жанжал томоша қилгани бошқоронгу бўлганми, ҳамиша ҳозир нозир-да. Лекин ўзи яхши бола. Ҳатто, «Ойни олиб чикаман», деб кайф устида қудуққа калла ҳам ташлаган. Унчалик катта фалокат бўлмади: олти ойгина касалхонада ётди! Шифокорларимизга раҳмат, Меливой ҳозир эр. Фақат чап кўзи светифорнинг сариқ чироғига ўхшаб пирпираб - жимжима қилиб туради. Беэарар. Беғона қиз-жувонларнинг эрларидан, ака-укаларидан икки кунда бир калтак ёб туришига ўзи айбдор. «Беғона қиз-жувонларнинг олдида кафтинг билан кўзингни беркитиб ўтгин!» деймиш, қулоқ солмайди-да!

Пешонамга кўр қўй олиб келибди акангиз! - хотин шу дебона билан гапини бошлаб, мени зумда тупроққа қориб ташлади. «Кўрсавдо, лақма» каби «фазилат»ларим ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Жимжима бармоқларини лиқиллатиб, кўзига пуфлаб, қулогини тугиб - қўйни текширган бўлди.

«Ха-а!» деди кўзини пирпиратиб. - Ҳақиқатан ҳам кўр қўй олибсиз. Қўйингиз - очик кўр!

«Калайгина арзон-гаровга олиб келибди деб тургандим!» хотинга Худо берди.

«Алдашибди-да, - дедим бўшашиб. - Алдаганларни танирсиз?» сўради жимжима. - Бозор бўлса, мингта

минг деб майдалашасан! Эллик бешлик қўйми шу! - дейди-я унинг устига.

Чидолмай нари кетдим. Бироз ўтиб қайтиб келсам, харқалай, савдолари пишибди шекилли, Меливойжон пул санаб оляпти. Йигит қўйни етаклаб кетди. Мели-

жон ака, йўқ деманг! - йигит ялинишга ўтди. - Бўпти. Яқшанба кўни азонда бозор дарвозаси олдида учрашамиз! - Меливой ноз қила-қила рози бўлди.

Йигит қўли кўксига қўйни етаклаб кетди. Жимжима-нинг устидан масхаралаб баралла қўлдим. Сўнг: - Мен қўйдан қўтилдим, сен эса тутилдинг! Ун минг-лик ташвиш олднг ўзингга! - дедим.

Меливой бир сўз демай уйига кириб кетди. Бекорга қулган эканман. Меливойжоннинг ишлари шунанқани юришиб кетди...

Олти ҳафтадан бўён бозорга қатнайди. Ҳар сафар қўйни сотаяпти, харидор қайтариб олиб келяпти. Абдумеливойжонқўзи яна бошқасига пуллаяпти!

Худого шукур, қўйингизнинг орқасидан бозорлигим чиқиб турибди. Олтитасига сотдим қўйингизни. Ҳали яна қанчасининг пулини оламан, ўзимам билмайман. Мабодо бу кўр қўйингизнинг шериги йўқмиди? Кўр мол ёки эчки бўлса ҳам бўлаверарди! - дедилар Абдумеливойжонқўзи акам, йўғе, укамлар, бозордан қайтиб, эриб ўтирганларда. Ҳазил қўладилар-да. Ҳазиллари ҳам ўзларига биррам ярашади-ей. Бозорларини берсин, илоий!

«Ха, кўр эди, - қўшим жон ака, йўқ деманг! - йигит ялинишга ўтди. - Бўпти. Яқшанба кўни азонда бозор дарвозаси олдида учрашамиз! - Меливой ноз қила-қила рози бўлди.

Йигит қўли кўксига қўйни етаклаб кетди. Жимжима-нинг устидан масхаралаб баралла қўлдим. Сўнг: - Мен қўйдан қўтилдим, сен эса тутилдинг! Ун минг-лик ташвиш олднг ўзингга! - дедим.

Меливой бир сўз демай уйига кириб кетди. Бекорга қулган эканман. Меливойжоннинг ишлари шунанқани юришиб кетди...

Олти ҳафтадан бўён бозорга қатнайди. Ҳар сафар қўйни сотаяпти, харидор қайтариб олиб келяпти. Абдумеливойжонқўзи яна бошқасига пуллаяпти!

Худого шукур, қўйингизнинг орқасидан бозорлигим чиқиб турибди. Олтитасига сотдим қўйингизни. Ҳали яна қанчасининг пулини оламан, ўзимам билмайман. Мабодо бу кўр қўйингизнинг шериги йўқмиди? Кўр мол ёки эчки бўлса ҳам бўлаверарди! - дедилар Абдумеливойжонқўзи акам, йўғе, укамлар, бозордан қайтиб, эриб ўтирганларда. Ҳазил қўладилар-да. Ҳазиллари ҳам ўзларига биррам ярашади-ей. Бозорларини берсин, илоий!

«Ха, кўр эди, - қўшим жон ака, йўқ деманг! - йигит ялинишга ўтди. - Бўпти. Яқшанба кўни азонда бозор дарвозаси олдида учрашамиз! - Меливой ноз қила-қила рози бўлди.

Йигит қўли кўксига қўйни етаклаб кетди. Жимжима-нинг устидан масхаралаб баралла қўлдим. Сўнг: - Мен қўйдан қўтилдим, сен эса тутилдинг! Ун минг-лик ташвиш олднг ўзингга! - дедим.

Меливой бир сўз демай уйига кириб кетди. Бекорга қулган эканман. Меливойжоннинг ишлари шунанқани юришиб кетди...

Олти ҳафтадан бўён бозорга қатнайди. Ҳар сафар қўйни сотаяпти, харидор қайтариб олиб келяпти. Абдумеливойжонқўзи яна бошқасига пуллаяпти!

Худого шукур, қўйингизнинг орқасидан бозорлигим чиқиб турибди. Олтитасига сотдим қўйингизни. Ҳали яна қанчасининг пулини оламан, ўзимам билмайман. Мабодо бу кўр қўйингизнинг шериги йўқмиди? Кўр мол ёки эчки бўлса ҳам бўлаверарди! - дедилар Абдумеливойжонқўзи акам, йўғе, укамлар, бозордан қайтиб, эриб ўтирганларда. Ҳазил қўладилар-да. Ҳазиллари ҳам ўзларига биррам ярашади-ей. Бозорларини берсин, илоий!

«Ха, кўр эди, - қўшим жон ака, йўқ деманг! - йигит ялинишга ўтди. - Бўпти. Яқшанба кўни азонда бозор дарвозаси олдида учрашамиз! - Меливой ноз қила-қила рози бўлди.

Йигит қўли кўксига қўйни етаклаб кетди. Жимжима-нинг устидан масхаралаб баралла қўлдим. Сўнг: - Мен қўйдан қўтилдим, сен эса тутилдинг! Ун минг-лик ташвиш олднг ўзингга! - дедим.

Меливой бир сўз демай уйига кириб кетди. Бекорга қулган эканман. Меливойжоннинг ишлари шунанқани юришиб кетди...

Олти ҳафтадан бўён бозорга қатнайди. Ҳар сафар қўйни сотаяпти, харидор қайтариб олиб келяпти. Абдумеливойжонқўзи яна бошқасига пуллаяпти!

Худого шукур, қўйингизнинг орқасидан бозорлигим чиқиб турибди. Олтитасига сотдим қўйингизни. Ҳали яна қанчасининг пулини оламан, ўзимам билмайман. Мабодо бу кўр қўйингизнинг шериги йўқмиди? Кўр мол ёки эчки бўлса ҳам бўлаверарди! - дедилар Абдумеливойжонқўзи акам, йўғе, укамлар, бозордан қайтиб, эриб ўтирганларда. Ҳазил қўладилар-да. Ҳазиллари ҳам ўзларига биррам ярашади-ей. Бозорларини берсин, илоий!

Кўй олдим, қоп-қора, пешонасида оппоққина кашкаси ҳам бор. Ювошлигини айтгин. Бунинг устига икки ҳафтадан кейин тугиб ҳам бераркан.

Ховлига келгач, арқонини устига ташлаб, «Кўриб қўй» дегандай хотинга қошим билан имладим. Хотин қўйни обдон айланиб кўрди, нарҳини айтгандим: - Арзон олибсиз, арзон! - деб қувониб кетди.

Сўрига ёнбошладим. Чойнакни мағрур кўтариб, охириги томчиса қолгунча симиридим.

Ишқилиб, совлиқлиги аниқми? - сўраб қолди хотинбой бирдан.

«Хов, бизи...» - деб сўз бошлаб хотинни гап билан пачоқ қилиб ташламоқчи бўлдим-у, ўтган галги харидим эсимга тушиб, тилимни тишладим. Айтарили жа, хунук воқеа бўлмаганди: кўчқор сотиб олгандим, бир ой ўтмай кўчқорим тугиб берди!

«Совлиқ, совлиқ! Кўриб олдим!» - дедим алаимини ичимга ютиб.

Ховлининг ўртасини қовлаб, гулҳовуз қилгандик. Қўйим ўша томонга юрди. «Ха, энди мехмон, гул-пулардан ёқолсин», деб турсам, Совлиқий ховузга калла ташлаб юборса бўлади-ми! Эру хотин ҳай-ҳайлашиб у томонга қондик. Қочди. Хотин сулурги билан, мен қосов билан қуролланиб қўйхона томон ҳайдадик. Қўй негадир, эшик қолиб деворга калла урди: «гур» этиб йиқилди.

«Қандай бало қўй олдингиз, кўрми бу?» - хотин хайқирди.

«Ўзинг кўр!» - дедим жаҳл билан. - Кўзлари порлаб турибди-ю, кўр дейсан. Янги жой, янги одамлар - ҳаяжонланаёпти.

«Ҳаяжонланмай ўлсин! Қўй ҳам ҳаяжонланадими? Бунингиз кўр! Очик кўр!» - хотин зарда билан сулургисини қўй томонга отди.

«Тинчликми, тинчликми?» - кўча эшикдан қўшним Мели - жимжима кириб келди.

«Жа, қўзим учиб турганди-да!» дедим ичимда. Хотин билан энди «айтишув»ни бошласак, жанжал томоша қилгани бошқоронгу бўлганми, ҳамиша ҳозир нозир-да. Лекин ўзи яхши бола. Ҳатто, «Ойни олиб чикаман», деб кайф устида қудуққа калла ҳам ташлаган. Унчалик катта фалокат бўлмади: олти ойгина касалхонада ётди! Шифокорларимизга раҳмат, Меливой ҳозир эр. Фақат чап кўзи светифорнинг сариқ чироғига ўхшаб пирпираб - жимжима қилиб туради. Беэарар. Беғона қиз-жувонларнинг эрларидан, ака-укаларидан икки кунда бир калтак ёб туришига ўзи айбдор. «Беғона қиз-жувонларнинг олдида кафтинг билан кўзингни беркитиб ўтгин!» деймиш, қулоқ солмайди-да!

Пешонамга кўр қўй олиб келибди акангиз! - хотин шу дебона билан гапини бошлаб, мени зумда тупроққа қориб ташлади. «Кўрсавдо, лақма» каби «фазилат»ларим ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Жимжима бармоқларини лиқиллатиб, кўзига пуфлаб, қулогини тугиб - қўйни текширган бўлди.

«Ха-а!» деди кўзини пирпиратиб. - Ҳақиқатан ҳам кўр қўй олибсиз. Қўйингиз - очик кўр!

«Калайгина арзон-гаровга олиб келибди деб тургандим!» хотинга Худо берди.

«Алдашибди-да, - дедим бўшашиб. - Алдаганларни танирсиз?» сўради жимжима. - Бозор бўлса, мингта

минг деб майдалашасан! Эллик бешлик қўйми шу! - дейди-я унинг устига.

Чидолмай нари кетдим. Бироз ўтиб қайтиб келсам, харқалай, савдолари пишибди шекилли, Меливойжон пул санаб оляпти. Йигит қўйни етаклаб кетди. Мели-

жон ака, йўқ деманг! - йигит чопиб бориб жимжиманинг билагига ёпишди. - Гапга уста экансиз, ўзингиз сотиб беринг, рози қиламан.

«Э, мен сенга қўйпурушдим!» - Меливой жеркиб берди. - Қанча делиғиз бераман,

войжонқўзи гўдайганича кабохона томон ишора қилди. - Қалай қилдим? - сўрадилар виқор билан кабобпаз-нинг ўтириғичига чўқаркан.

«Гап йўқ, укам!» - дедим елкасига қоқиб. - Аммо йигит қўйингиз қўрлигини билгач, ташлаб кетса керак. «Муллавали» деб қишлоқнинг номинанг айтвординг.

Ташлаб кетса кетар, укам бепарво қўл силтаб, кабобпазга кўз қиса кетди. - Ўнта жазлигидан қўйинг! - сўнг менга юзланди. - Қўйингизни олтиш бешга урдим. Манови эллик сизга, ўн минг-ги менинг хизматимга, бешига еймиш, ичамиз, қўли ташланг!

«Гап йўқ. Аммо қўйни қайтариб келса, ўзинг жавоб берасан.

Қоринларни қаппайтириб, томоқларни ҳўлаб, қишлоққа тебраниб кириб бораётсак, айтганимдай, бозордаги йигит Мелининг эшигида қўй етаклаб турибди.

«Сенга айтмовдимми!» - дедим баралла қулиб. - Хизматингни бердим, энди бу ёғи билан ишим йўқ.

Жимжима гапларимга қулоқ ҳам солмай, йигитга юзланди: - Ҳа, ука, тинчликми? - Бу қўйингиз кўр экан-ку! - деди йигит жириллаб. - Ҳа, кўр эди, - қўшим

йилдан-йилга ҳазиллар нозиклашиб бораяпти. Йўқолиб кетмаса эди.

Энг қулай пайтлар энг ноқулай